

Саҳобалар ва улардан кейинги даврда диний ҳақиқатлар



14:00 / 28.06.2019 3401

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳаётларининг охирига келиб, турли қабила ва юрт одамлари Исломи қабул қилишди. Янги мусулмонлар қаршисида деярли йигирма уч йил давомида нозил бўлиб тўпланган оятларни ўқиб-ўрганиш, уларга амал қилиш, шариат, ақийда, руҳий тарбия ва Қуръони Карим қироати аҳкомларини яхшилаб ўрганиш ва ўз ҳаётларига татбиқ қилиш вазифаси турар эди.

Табиийки, ёш саҳобалар ўзларидан катталардан, янги мусулмонлар аввалгиларидан мазкур соҳалар бўйича ўзлари тушунмаган турли масалалар ечимини сўрай бошлашди.

қаторда фикҳ илмига ҳужжат ва далил ҳам бўлиб келмоқда.

Ақийда, руҳий тарбия ва қироат илмларида ҳам баъзи саҳобалар ўз илмлари, топқирликлари билан бошқалардан ажралиб чиқдилар. Улар ўзлари яхши билган соҳалар бўйича бошқаларга устоз бўлдилар.

Саҳобалардан кейинги давр

Биринчи ҳижрий асрнинг иккинчи ярми ва иккинчи ҳижрий асрда Ислом дини дунё бўйлаб кенг тарқалди. Турли араб бўлмаган халқлар ҳам мусулмон бўлдилар. Табиийки, улар ўзларига шариат, эътиқод ва руҳий тарбия соҳаларида Қуръони Карим ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан шариат аҳкомларини чиқариб, тартибга солиш имконига эга эмас эдилар. Бир тарафдан тил билмайдилар, қолаверса, илмлари йўқ. Нима қилиш керак? Билганлардан сўраш керак.

Шундай қилиб, аста-секин кишиларга диний ҳукмларни ўргатадиган, уларнинг саволларига жавоб берадиган кишилар ажраб чиқа бошлади. Кейинчалик шароит бутун бошли китоблар таълиф қилиш, масалаларни жамлаб баён қилишни ҳам тақозо қилиб қолди.

Динимизнинг Жаброил алайҳиссаломнинг ҳадисидаги Ислом - шариат қисмига оид фикҳ илми бўйича, Иймон қисмига оид ақийда илми бўйича, Эҳсон қисмига оид тасаввуф илми бўйича ва Қуръони Карим қироатига оид илм бўйича ҳам етук устозлар, имомлар етишиб чиқдилар.

Ушбу илмларнинг барчаси бўйича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида мусулмон уммати ҳамма нарсани у зотнинг ўзларидан қабул қилиб олган. Саҳобалар даврида эса мазкур илмларнинг барчаси улар розияллоҳу анҳумдан қабул қилинган. Улардан кейинги даврда эса ҳар соҳанинг етук зотларидан қабул қилиб олинган.

Зотан, мусулмонлар ичида доимо динни яхши биладиган олим зотлар бўлиши кераклигини Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръони Каримда эълон қилиб қўйган.

Аллоҳ таоло Тавба сурасида марҳамат қилади:

«Ҳар жамоадан бир нафар тоифа бўлсайди. Динни чуқур англаб, қайтиб келган вақтларида қавмларини огоҳлантирар эдилар. Шоядки, улар ҳазир бўлсалар» (122-оят).

Ҳар бир банда ўз динини чуқур англаб етиши кераклигига Аллоҳ таоло қанчалик юқори аҳамият бергани ушбу ояти каримада яққол кўриниб турибди. Бу ҳолат Ислом жамияти диний илмларни чуқур эгаллаган уламоларни кераклигича тайёрлашга алоҳида эътибор бериши лозимлигини кўрсатади. Шу билан бирга, уламоларнинг жамиятдаги ўринлари ва масъулиятлари юксак эканини ҳам таъкидлайди. Ҳар доим мусулмон уммати бу ишга катта аҳамият бериб келган.

Шунинг учун ҳам мазкур диний илмларнинг барчасини ўзига хос етакчи имомлар ва уларнинг бу борадаги йўлларини тутган издошларидан қабул қилиб олиш йўлга қўйилган. Ҳар соҳанинг ўзига хос шаклланган ва мусулмонлар оммаси эргашган йўналишларнинг мазҳаблар деб аталиши урф бўлган. Кейинчалик «мазҳаб» сўзи фақат фикҳ ва ақийда бўйича йўналишларгагина ишлатиладиган бўлди. Руҳий тарбия бўйича шаклланган йўналишларга «тариқат», Қуръони Карим қироати бўйича йўналишларга «қироат» номи берилди.

Келаси сатрларда мазкур тўрт соҳанинг ҳар бири ҳақида Аллоҳ таолонинг ёрдами ила батафсил тўхталиб ўтамиз.

“Мазҳаблар бирлик рамзи” китобидан